

Абдуқодир ПАРДАЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
илмий изланувчиси

ТАҲОВИЯ ВА НАСАФИЯ “АКИДА”ЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАР

РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ ТРАКТАТАМИ ТАХАВИ И НАСАФИ «АКИДА»

DIFFERENCES BETWEEN TAKHAVI'S AND NASAFI'S “AKIDA” TRACTS

Аннотация: Ушбу мақолада аҳли сунна вал жамоа таълимотининг икки машҳур вакиллари Абу Жаъфар Таҳовий ва Абу Ҳафс Насафийнинг ақидага тааллуқли илмий меросларининг фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилган. Мазкур ишда “Ақида ат-Таҳовий” ва “Ақоид ан-Насафий” матнлари объект қилиб олинган. Мақолада мазкур асарларнинг муштарак жиҳатлари ва фарқлари илмий асосда ёритилган.

Калим сўзлар: “Ақида ат-Таҳовий”, “Ақоид ан-Насафий”, аҳли ҳақ, олам, таквин, ҳақиқат, билиш воситалари, жавҳар, араз.

Аннотация: В данной статье описаны различные аспекты научных наследий в области догматического богословия двух выдающихся ученых ахли сунны валь-джамаа, Абу Джафара ат-Тахави и Абу Хафса ан-Насафи. В качестве объекта исследования взяты тексты «Ақида ат-Тахави» и «Ақоид ан-Насафи». В статье на научной основе описаны общие и отличительные черты этих двух трактатов.

Ключевые слова: «Ақида ат-Тахави», «Ақоид ан-Насафи», ахли ҳақ, вселенная, таквин, истина, средства познания, джавҳар, акциденция.

Annotation: This article describes various aspects of the scientific heritage in the field of dogmatic theology of two prominent scholars of the Ahli Sunnah wal-Jamaa, Abu Ja'far al-Tahawi and Abu Hafsa al-Nasafi. The texts “Akida al-Takhavi” and “Akaid al-Nasafi” were taken as the object of research. The article describes on a scientific basis the common and distinctive features of these two treatises.

Key words: “Akida al-Takhavi”, “Akaid al-Nasafi”, ahl al-haq, universe, takvin, truth, means of cognition, djawhar, accident.

КИРИШ

Ақоид илми бўйича турли даврларда ўша замон талабидан келиб чиққан ҳолда кўплаб асарлар таълиф этилган. Диёримизда кенг тарқалган ва аждодлар севиб ўқиб, ундаги масалаларга эътиқод қилиб келган машҳур ақоид матнларидан бири “Ақида ат-Таҳовий” бўлса, иккинчиси “Ақоид ан-Насафий” асари ҳисобланади. Зеро анъанавий ислом ақидасини кўрсатиб беришда бу асарларнинг ўринлари бекиёс бўлган. Бу икки машҳур матнлар ўртасида фарқли қарашлар борми? Агар бор бўлса улар қайсилар? Бу асарларнинг қайси бири фойдалироқ? Шу каби саволлар ҳозирги кунда кўп учраётгани сир эмас. Мазкур саволларга ушбу мақолада батафсил жавоб беришга ҳаракат қилинди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Жаъфар Таҳовийнинг (ваф. 933 й.) “Ақида ат-Таҳовий” ва Абу Ҳафс Насафийнинг (ваф. 1142 й.) “Ақоид ан-Насафий” асарлари аҳли сунна вал жамоа эътиқодини баён қилувчи, асл маънолари бир бўлган, машҳур матнлар ҳисобланади.

“Ақида ат-Таҳовий” асари “Аҳли сунна ақидаси баёни”, “Суннат ва жамоат баёни” ва “Ақида” номлари билан машҳур бўлган бўлса, “Ақоид ан-Насафий” матни фақат “Ақоид” ва “Ақоид ан-Насафий” номлари билан танилган.

Ушбу иккала матн ҳар хил даврларда ва бошқа-бошқа юртларда ёзилган. “Ақида ат-Таҳовий” милодий 900-йиллар атрофида Мисрда ёзилган бўлса, “Ақоид ан-Насафий” эса икки юз йилдан ортиқ вақтдан сўнг, яъни милодий 1100-йиллардан кейин Мовароуннаҳрда ёзилган. Шунга кўра, ақида масалаларини баён қилишда улар ўртасида айрим жузъий фарқлар бўлиши табиий. Улар қуйидагилардан иборат:

1. “Ақида ат-Таҳовий”да мусулмонлар ўртасидаги ақидавий ихтилофларда миллат фақиҳларининг [11:89] ақидавий қарашлари қандай бўлгани жамланган. “Ақоид ан-Насафий”да эса мавзу кенгрок олинган, яъни мусулмонларнинг номусулмонлардан фарқли эътиқодий қарашларини ҳам, шунингдек мотуридий мактабига хос бўлган ақидавий фикрларни ҳам жамлашга эътибор қаратилган;
2. “Ақида ат-Таҳовий” тавҳид мавзуси билан бошланган:

إِنَّ اللَّهَ وَاحِدٌ لَا شَرِيكَ لَهُ.

“Албатта, Аллоҳ бирор шериги йўк ягонадир”.

“Ақоид ан-Насафий” эса нарсаларнинг ҳақиқатлари мавжуд экани мавзуси билан бошланган:

قَالَ أَهْلُ الْحَقِّ: حَقَائِقُ الْأَشْيَاءِ ثَابِتَةٌ

“Аҳли ҳақ [9:87] дедилар: Нрсаларнинг ҳақиқатлари мавжуддир”.

3. “Ақида ат-Таҳовий”да оқил бандаларнинг билиш воситалари, яъни қатъий ақидалар уларда қайси йўллар билан ҳосил бўлиши мавзуси баён қилинмаган, “Ақоид ан-Насафий”да эса бу мавзу қуйидагича батафсил баён қилинган:

وَأَسْبَابُ الْعِلْمِ لِلْخَلْقِ ثَلَاثَةٌ: الْخَوَاسُ السَّلِيمَةُ وَالْخَبَرُ الصَّادِقُ وَالْعَقْلُ

“Яралмишлар (яъни фаришталар, инсонлар ва жинлар) учун илм воситалари учта:

- I. Соғлом сезгилар;
- II. Рост хабар;
- III. Ақл”.

4. “Ақида ат-Таҳовий”да олам ва унинг нимадан иборат экани мавзусига киришилмаган, “Ақоид ан-Насафий”да эса бу мавзу қуйидагича алоҳида баён қилинган:

وَالْعَالَمُ بِجَمِيعِ أَجْزَائِهِ مُحَدَّثٌ إِذْ هُوَ أَغْنَى وَأَعْرَاضٌ

“Олам ўзининг барча қисмлари билан йўқдан бор қилинган. Зеро у аён [6:39] ва аразлар (мустикал бор бўлиб тура олмайдиган ҳаракатлар сингари нарсалар) дан иборат”.

5. Кўплаб ўринларда иккала матнда бир хил маъно фарқли иборалар билан ифодаланган. Масалан “Ақида ат-Таҳовий”да Аллоҳ таолонинг сифатлари азалий экани бундай баён қилинган:

لَمْ يَزِدْ بِكَوْنِهِمْ شَيْئًا لَمْ يَكُنْ قَبْلَهُمْ مِنْ صِفَتِهِ.

“Яралмишлар мавжуд бўлишлари сабабли Унинг сифатларига улардан олдин бўлмаган бирор нарса зиёда бўлмаган”.

“Ақоид ан-Насафий”да эса бу маъно қуйидагича ифодаланган:

وَالْمُحَدَّثُ لِلْعَالَمِ هُوَ اللَّهُ تَعَالَى الْوَاحِدُ الْقَدِيمُ الْحَيُّ الْقَائِمُ الْعَلِيمُ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ الشَّائِي الْمُرِيدُ

“Оламни йўқдан бор қилувчи зот ягона, қадим, доим барҳаёт, қодир, олим, эшитувчи, кўрувчи, хоҳлаганини рўёбга чиқарувчи ва ирода қилувчи бўлган Аллоҳ таолодир”.

6. “Ақида ат-Таҳовий”да Аллоҳ таолонинг замон ва макондан холи экани очик лафз билан

айтилмаган, балки шу маънони ифодаладиган лафзлар билан айтилган:

لَا تَحْوِيهِ الْأَجْهَاتُ السَّبْتُ كَسَائِرِ الْمُبْتَدَعَاتِ.

“Бошқа яралмишлар сингари Уни олти тараф ихота қилмайди”.

“Ақоид ан-Насафий”да айнан шу маънони ифодаловчи лафзлар билан айтилган:

وَلَا يَتَمَكَّنُ فِي مَكَانٍ وَلَا يَجْرَى عَلَيْهِ زَمَانٌ

“У бирор маконда ўрин олмайди, Унга бирор замон ҳам жорий бўлмайди”.

7. “Ақида ат-Таҳовий”да Аллоҳ таолонинг сифатлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг лафзларига мувофиқ равишда батафсил баён қилинган:

حَيٌّ لَا يَمُوتُ، قَيُّومٌ لَا يَنَامُ.

“У барҳаётдир ҳеч қачон ўлмайди, қайюмдир [12:82] ҳеч қачон ухламайди”.

“Ақоид ан-Насафий”да эса мазкур лафзлардан тушуниладиган ва эътиқод қилинадиган маънолар умумий тарзда баён қилинган:

لَيْسَ بِعَرَضٍ وَلَا جِسْمٍ وَلَا جَوْهَرٍ وَلَا مُصَوَّرٍ وَلَا مَخْدُودٍ وَلَا مَعْدُودٍ وَلَا مُتَبَعٍ وَلَا مُتَجَرِّ وَلَا مُتَرْكَبٍ وَلَا مُتَنَاءٍ.

“Аллоҳ таоло араз эмас, жисм эмас, жавҳар эмас, бирор шаклда эмас, чегараланган эмас, ададланган эмас, бўлинувчи эмас, қисмларга ажралувчи эмас, таркиб топган эмас, ниҳояланувчи эмас”.

8. Аллоҳ таолонинг сифатлари зотининг айна ҳам, Ундан бошқа ҳам эмаслиги масаласига “Ақида ат-Таҳовий”да тўхталилмаган, “Ақоид ан-Насафий”да эса бу масала қуйидагича очик баён қилинган:

وَلَهُ صِفَاتٌ أَرْزَلِيَّةٌ قَائِمَةٌ بِذَاتِهِ وَهِيَ لَا هُوَ وَلَا غَيْرُهُ

“Унинг зотида доимо бор бўлиб турадиган азалий сифатлари бўлиб, улар Унинг ўзи ҳам Ундан бошқа ҳам эмас [12:269].

9. “Ақида ат-Таҳовий”да феълий сифатлар умумий тарзда қуйидагича батафсил васф қилинган:

بَلَّ لَهُ مَعْنَى الرُّبُوبِيَّةِ وَلَا مَرْبُوبٍ، وَمَعْنَى الْخَالِقِيَّةِ وَلَا مَخْلُوقٍ.

“Балки, Унда рубубият (тарбия берувчилик) сифати бўлган, ваҳоланки бирорта тарбияланувчи ҳали бўлмаган. Унда холиклик (яратувчилик) сифати бўлган, ваҳоланки бирорта яралмиш ҳали бўлмаган”.

“Ақоид ан-Насафий”да эса бу сифат тўғрисидаги ихтилофларда мотуридийларнинг қарашлари қандай экани қуйидагича баён қилинган:

وَهُوَ تَكْوِينُهُ لِلْعَالَمِ وَلِكُلِّ جُزْءٍ مِنْ أَجْزَائِهِ لَوْفَتٌ وَجُودِهِ وَهُوَ
غَيْرُ الْمَكُونِ عِنْدَنَا

“У (яъни яратиши) оламни ва унинг ҳар бир қисмини вужудга келиши вақтида пайдо қилишидир. У (яратиш сифати) бизнинг наздимизда (яъни мотуридийларда) мукаввандан [8:194] (яралмишдан) бошқадир”.

10. “Ақида ат-Таҳовий”да барча яралмишларнинг ажалларини Аллоҳ таоло белгилаб қўйгани айtilган:

وَضَرَبَ لَهُمْ أَجَالًا.

“Уларнинг ажал муддатларини белгилаган”.

“Ақоид ан-Насафий”да эса қатл этилган шахс ҳам ажали билан ўлган бўлиши, ўлимнинг ҳақиқати нима экани ва ажални битта деб эътиқод қилиш масалалари ҳам айtilган:

وَالْمَقْتُولُ مَيِّتٌ بِأَجَلِهِ. وَالْمَوْتُ قَائِمٌ بِالْمَيِّتِ مَخْلُوقُ اللَّهِ تَعَالَى لَا صُنْعَ لِلْعَبْدِ فِيهِ تَخْلِيفًا وَلَا اكْتِسَابًا وَالْأَجَلَ وَاجِدٌ.

“Қатл этилган ажали етгани сабабли ўлган бўлади. [2:160] Ўлим майитда вужудга келувчи Аллоҳ таоло яратадиган нарса бўлиб, унда (яъни ўлимнинг вужудга келишида) яратиш жиҳатидан ҳам, касб [5:265] қилиш жиҳатидан ҳам банда учун бирор иш йўқдир. Ажал бирдир”.

11. “Ақида ат-Таҳовий”да Аллоҳ таолонинг мутлақ ризқ берувчи экани айtilган:

خَالِقُ بِلَا حَاجَةٍ، زَارِقُ بِلَا مُؤَنَةٍ.

“Ҳеч бир эҳтиёжи бўлмасдан Яратувчи, бирор меҳнатсиз ризқ берувчидир”.

“Ақоид ан-Насафий”да бу масала қуйидагича батафсил баён қилинган:

وَالْحَرَامُ رِزْقٌ وَكُلٌّ يَسْتَوْفِي رِزْقَ نَفْسِهِ خَلَالًا كَانَ أَوْ حَرَامًا وَلَا يَنْصَوِّرُ أَنْ لَا يَأْكُلَ إِنْسَانٌ رِزْقَهُ أَوْ يَأْكُلَ غَيْرَهُ رِزْقَهُ.

“Ҳаром ҳам ризқдир. [7:430] Барча ўзнинг ризқини ҳалол бўлсин ё ҳаром бўлсин тўла-тўқис олади. Инсон ўз ризқини ея олмай қолиши ёки бошқа биров унинг ризқини еб қўйиши тасаввур ҳам қилинмайди”.

12. “Ақида ат-Таҳовий”да “аслаҳ” [1:202] (фойдали) масаласи очик баён қилинмаган, Ақоидун Насафияда эса бу масала очик баён қилинган:

وَمَا هُوَ الْأَصْلَحُ لِلْعَبْدِ فَلَيْسَ بِوَاجِبٍ عَلَى اللَّهِ تَعَالَى.

“Бандалар учун “аслаҳ” (фойдали) бўлган нарса Аллоҳ таолога вожиб (лозим) бўлмайди”.

13. “Ақида ат-Таҳовий”да Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик

сифатлари батафсил баён қилинган, “Ақоид ан-Насафий”да эса у зот алайҳиссаломнинг пайғамбарларнинг сўнгиси ва энг афзали эканликларини айтиш билан кифояланилган;

14. “Ақида ат-Таҳовий”да пайғамбарларнинг адади ҳақида қандай эътиқодда бўлиш баён қилинмаган, “Ақоид ан-Насафий”да эса уларни маълум бир ададга чеклаш дуруст эмаслиги айtilган;

15. “Ақида ат-Таҳовий”да Аллоҳ таолони жаннатда кўриш ҳақлиги нақлий далиллар билан собит экани айtilган, “Ақоид ан-Насафий”да эса Аллоҳ таолони жаннатда кўриш ақл ҳукмида жоиз, нақл ҳукмида вожиб экани айtilган;

16. “Ақида ат-Таҳовий”да Куръон нақлий далиллар асосида таърифланган, “Ақоид ан-Насафий”да эса ақлий далиллар асосида таърифланган;

17. “Ақида ат-Таҳовий”да (яъни кўплаб нусхаларида) “таквийн” сифати масаласи айнан шу ном билан келмаган. “Ақоид ан-Насафий”да эса айнан шу ном билан баён қилинган:

وَالْتَّكْوِينُ صِفَةٌ لِلَّهِ تَعَالَى أَرْلِيَّةٌ

“Таквийн [1:369] Аллоҳ таолонинг азалий [10:183] сифатидир”.

18. “Ақида ат-Таҳовий”да маъдумга (номавжудга) “шай” сўзи ишлатиш тўғри эмаслиги масаласи келмаган, “Ақоид ан-Насафий”да эса бу масала очик баён қилинган:

وَالْمَعْدُومُ لَيْسَ بِشَيْءٍ.

“Номавжуд “шай” [5:205] эмас”.

19. Ижтиҳодий масалаларда ҳам Аллоҳ таолонинг муайян ҳукми борми ёки бундай масалаларда мужтаҳиднинг тўғри деб топгани Аллоҳнинг ҳукми ҳисобланадими? Ушбу масала “Ақида ат-Таҳовий”да баён қилинмаган, “Ақоид ан-Насафий”да эса мотуридийларнинг бу масалага тегишли эътиқодлари очик баён қилинган:

وَالْمُجْتَهِدُ قَدْ يَخْطِئُ وَقَدْ يُصِيبُ.

Мужтаҳид [2:231] гоҳида хатога йўл

қўяди ва гоҳида тўғри топади

20. “Ақида ат-Таҳовий”да башарият пайғамбарлари афзал саналиши ёки фаришталарнинг пайғамбарлари афзал саналиши масаласи айtilмаган, “Ақоид ан-Насафий”да эса бу масала тўғрисида мотуридийларнинг эътиқодлари очик баён қилинган:

وَرُسُلُ الْبَشَرِ أَفْضَلُ مِنْ رُسُلِ الْمَلَائِكَةِ وَرُسُلُ الْمَلَائِكَةِ أَفْضَلُ مِنْ عَامَّةِ الْبَشَرِ وَعَامَّةُ الْبَشَرِ أَفْضَلُ مِنْ عَامَّةِ الْمَلَائِكَةِ

“Башариятнинг пайғамбарлари фаришталарнинг пайғамбарларидан афзал ҳисобланади. Фаришталарнинг пайғамбарлари оддий инсонлардан афзал ҳисобланади. Оддий (яъни пайғамбар бўлмаган) инсонлар оддий фаришталардан афзал ҳисобланади”.

21. “Ақида ат-Таҳовий”да саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги уламолар фақат яхшилик билан тилга олиниши лозимлиги айтилган:

وَعُلَمَاءُ السَّلَفِ مِنَ الصَّالِحِينَ وَالتَّابِعِينَ وَمَنْ بَعْدَهُمْ مِنْ أَهْلِ الْخَيْرِ وَالْأَثَرِ، وَأَهْلِ الْفَقْهِ وَالنَّظَرِ لَا يَذْكُرُونَ إِلَّا بِالْجَمِيلِ، وَمَنْ ذَكَرَهُمْ بِسَوْءٍ فَهُوَ عَلَى غَيْرِ السَّبِيلِ.

“Салафи солиҳ ва тобеин уламолар ҳамда улардан кейин ўтган хайр ва асар аҳли, фикҳ ва назар аҳли бўлган уламолар фақат яхшилик билан эсланадилар. Кимки уларни ёмонлик билан тилга олса тўғри йўлда эмасдир”.

“Ақоид ан-Насафий”да эса бу масала очик айтилмаган;

22. “Ақида ат-Таҳовий”да битта пайғамбар ҳамма валийлардан афзал ҳисобланиши очик айтилган:

وَلَا نُفَضِّلُ أَحَدًا مِنَ الْأَوْلِيَاءِ عَلَى أَحَدٍ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ السَّلَامُ، وَقَوْلُ: نَبِيٌّ وَاحِدٌ أَفْضَلُ مِنْ جَمِيعِ الْأَوْلِيَاءِ.

“Авлиёларнинг бирортасини ҳам пайғамбар алайҳиссаломларнинг ҳеч бирларидан афзал кўрмаймиз, балки: биргина пайғамбар ҳамма авлиёлардан афзалдир, деймиз”.

“Ақоид ан-Насафий”да эса валий пайғамбарининг пайғамбарлигига иқрор бўлиш билангина валий бўла олишлари айтилган;

23. “Ақида ат-Таҳовий”да ерда ҳам осмонда ҳам Аллоҳнинг дини ягона Ислом экани баён қилинган, Ақоидун Насафияда эса бу масалага тўхталинмаган;

24. “Ақида ат-Таҳовий”да мушаббиха, мўътазила, жаҳмия, жабрия ва қадария фирқаларининг номлари ва адашганликлари айтилиб, уларнинг йўлларида паноҳ сўралган. “Ақоид ан-Насафий”да бу фирқалардан бирортасининг номи келтирилмаган;

25. “Ақида ат-Таҳовий”да бир юз ўттиздан ортиқ эътиқодий масала баён қилинган, “Ақоид ан-Насафий”да саксондан ортиқ эътиқодий масала баён қилинган.

Иккала матн ўртасидаги фарқлар асосан шулардан иборат. Агар мазкур фарқлар мулоҳаза қилиб кўрилса, ҳар бир даврда бўлгани сингари, ушбу матнларда ҳам ўз даврларида муҳим бўлган масалаларга эътибор қаратилгани ойдинлашади. Шу сабабли уларнинг бирида бошқасига қараганда айрим масалаларга кўпроқ урғу берилгани, асло бир-бирига зид эмаслиги балки бир-бирини тўлдириши аниқ-равшан бўлади.

Шу ўринда “Ақида ат-Таҳовий”ни мўътабар санаб, “Ақоид ан-Насафий”ни танқид қилувчи айрим кимсаларнинг бу хато тушунчалари ҳақида гапириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Ақида ат-Таҳовий”ни мадҳ қилиб, “Ақоид ан-Насафий”ни танқид қилувчи кимсаларни умумий икки тоифага ажратиш мумкин:

1. “Ақоидун Насафий”ни тушуна олмаганлар ёки уни тушуниш даражасида бўлмаганлар;

2. Эътиқодлари салафи солиҳларникига мувофиқ бўлмаса ҳам, ақидамиз салафи солиҳларникига мувофиқ деб даъво қилувчилар ва бу даъволарига бошқаларни ҳам ишонтириш йўлида “Ақида ат-Таҳовий”дан қалқон сифатида фойдаланишга уринадиган кимсалар.

Мана шу иккинчи тоифага мансуб кимсалар “Ақоид ан-Насафий”ни салафи солиҳларнинг ақидаларига зид таълимотлари бўлган, аслида оддий бўлган эътиқодни чигаллаштириб мусулмонларнинг бошларини оғритадиган бидъатлари бор асар деб қарайдилар.

Лекин бундай кимсаларнинг баъзи қарашлари аслида “Ақида ат-Таҳовий”га ҳам тўғри келмайди. Яъни уларнинг айрим қарашларини “Ақоид ан-Насафий” сингари “Ақида ат-Таҳовий”нинг ўзи ҳам рад қилади. Масалан, “Аллоҳ таолони осмонда деб эътиқод қилиш, ёки У зотга қадим сўзини ишлатиш жоиз эмас деб билиш мазкур тоифаларнинг энг машҳур даъволаридан бўлса, уларнинг бу қарашлари “Ақида ат-Таҳовий”га ҳам зид ҳисобланади. Яъни “Ақида ат-Таҳовий”да: “Бошқа яралмишлар сингари Уни олти тараф ихота қилиб турмайди”, дейилган бўлса, “Ақоид ан-Насафий”да: “У зот бирор маконда ўрин олмайди”, дейилган.

“Ақида ат-Таҳовий”да: “У зот ибтидосиз қадимдир” дейилган бўлса, “Ақоид ан-Насафий”да: “Оламнинг яратувчиси Аллоҳ таоло ягона, қадимдир” дейилган.

“Ақида ат-Таҳовий” асари мотуридийларда ҳам, ашъарийларда ҳам бир хил эътироф этиладиган мўътабар матнлардан экани соҳа мутахассисларига сир эмас. Иккала мазҳаб уламоларининг ҳам бу матнга шарҳ ёзганлари бунга яққол исбот қилади. “Ақида ат-Таҳовий” асарига элликта атрофида шарҳ ёзилган бўлса, “Ақоид ан-Насафий”нинг ўндан ортиқ шарҳлари бор. Бу шарҳларнинг айримлари ашъария мазҳаби уламолари томонидан ёзилган. Шунинг ўзи ҳам ушбу матннинг нақадар мўътабарлигига яна бир далилдир дейиш мумкин.

Шу ўринда: ““Ақида ат-Таҳовий”ни ҳам, “Ақоид ан-Насафий”ни ҳам мўътабар деб биламиз, лекин қайси бирини афзалроқ деб билишимиз керак?” деган савол пайдо бўладиган бўлса, жавоб қуйидагича бўлади: истеъмол қилинадиган дорининг афзаллиги кишининг ёши ва вазнига кўра фаркли бўлганидек, кишиларнинг илмий салоҳиятларига кўра бу матнларнинг афзаллиги ҳам фаркли бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Ақида ат-Таҳовий”да аҳли сунна вал жамоанинг мусулмонлар ичидаги адашган оқимлардан ва исломга нисбат берилган фирқалардан фаркли бўлган эътиқодий қарашлари жамланган. “Ақоид ан-Насафий”да эса аҳли сунна вал жамоанинг, хоссатан мотуридийларнинг ақидавий қарашлари нима сабабли тўғри экани ҳамда номусулмонлар ва адашган оқимларнинг эътиқодлари нима учун нотўғри экани ҳақидаги нақлий ва ақлий далилларнинг хулосалари жамланган.

Шу маънода омма мусулмонларга тўғри эътиқодни осон тушунишлари учун “Ақида ат-Таҳовий” матнини ўрганишлари тавсия этилса, соҳа мутахассисларига “Ақида ат-Таҳовий” матни асосида “Ақоид ан-Насафий”ни чуқур ўрганиш тавсия қилинади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътиқод дурдоналари. – Тошкент: Sharq. 2016. – 480 б.
2. Абдуллоҳ Ҳарарий. Ал-Матолиб ал-вафия шарҳ ал-ақида ан-насафия. – Байрут: Шарикату Дор ал-машори, 2014. – 256 б.
3. Абу Ҳафс Сирожиддин Умар Ғазнавий. Шарҳу ақидати имом Таҳовий. – Қоҳира: Дорат ал-Караз, 2009. – 208 б.
4. Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад Насафий. Табсират ал-адилла фи усулид дин. – Ж . П. / К. Салома нашрга тайёрлаган. – Димашқ: 1990-1993. – 658 б.
5. Али ибн Муҳаммад Шариф Журжоний. Китабут таърифот / Доктор Муҳаммад Абдурраҳмон Маръашлий таҳқиқи. Учинчи нашр. – Байрут-Лубнон: Дор ан-нафоис, 2012. – 490 б.
6. Доктор Абдулмалик Саъдий. Шарҳ ала матни ақоид ан-Насафий. – Аммон: Дор нур ал-мубин ли ан-нашр ва ат-тавзиъ, 2016. – 324 б.
7. Закариё Ансорий. Фатҳ ал-илаҳи ал-Моҷид би изоҳи шарҳ ал-ақоид. – Қоҳира: Дор усул ад-дин, 2017. – 640 б.
8. Муҳаммад Али. Иқд ал-фароид ала шарҳи ал-ақоид. – Карачи: Бушро, 2018. – 424 б.
9. Рамазон ибн Муҳаммад Ҳанафий, Муслиҳиддин Мустафо ибн Муҳаммад Қасталоний, Аҳмад ибн Мусо Шамсиддин Хаёлий. Мажмуат ас-сания ала шарҳи ақоид ан-Насафий. – Лубнон: Нур Сабоҳ. – 640 б.
10. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ақоид ан-Насафий. Муҳаммад Аднон Дарвеш таҳқиқи. – Истанбул: Дор ас-сирож. Фотиҳ. 2020. – 389 б.
11. Шужоуддин Туркистоний. Шарҳ ақида ат-Таҳовий. – Аммон: Дор нур ал-мубин ли ан-нашр ва ат-тавзиъ, 2018.
12. Ҳасан ибн Турхон Оқхасорий. Нур ал-яқин фи усули ад-дин. – Истанбул, 2019. – 284 б.